

Ҳижрий-қамарий ойлар



14:52 / 18.04.2025 5670

Исломий ойлар ҳижрий-қамарий бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Муҳаррам;
2. Сафар;
3. Рабиул аввал;
4. Рабиус соний (ёки Рабиъул охир);
5. Жумодул аввал;
6. Жумодус соний (ёки Жумодул охира);
7. Ражаб;
8. Шаъбон;
9. Рамазон;
10. Шаввол;
11. Зулқаъда;

12. Зулҳижжа.

1. Муҳаррам ойи (луғатда «ҳаром қилинган») – жоҳилият даврида ва Ислоннинг аввалида уруш ҳаром қилинган 4 ойдан бири.
2. Сафар ойи (луғатда «сарғайиб қолиш») – араб қабилалари уруш қилиш учун чиқиб кетишарди, ерлари эса сап-сарик кимсасиз бўлиб қоларди.
3. Рабиул аввал ойи (луғатда «аввалги баҳор») – бу ойнинг номланиши баҳорга тўғри келган.
4. Рабиус соний ойи (луғатда «иккинчи баҳор») – маъносида. Бунинг номи аввалгисига эргаштириб қўйилган.
5. Жумодул аввал ойи (луғатда «аввалги музлаш») – бу ойнинг номланиши қишга тўғри келгани учун шундай аталган.
6. Жумодус соний ойи (луғатда «иккинчи музлаш») – юқоридагига эргаштирилиб ном берилган.
7. Ражаб ойи (луғатда «ўқни ёйдан олиш», «тўхтаб туриш» маъносида) – бу ой ҳам уруш ҳаром қилинган ойлاردан бири эди.
8. Шаъбон ойи (луғатда «икки тоғни бўлиб турувчи дара», «тарқалиш») – Ражаб ва Рамазонни бўлиб тургани учун шундай аталган ёки қабилалар Ражаб ойида урушдан тўхтаб қолгандан кейин яна тарқаб кетишар эди.
9. Рамазон ойи (луғатда «қаттиқ қизиш») – бу ойнинг номланиши йилнинг энг иссиқ пайтларига тўғри келган.
10. Шаввол ойи (луғатда «думнинг кўтарилиши») – номланиши туялар ориқлаб, сутлари қуриб, думлари кўтарилиб қоладиган вақтга тўғри келган.
11. Зулқаъда ойи (луғатда «ўтирувчи») – бу ой уруш ҳаром қилинган ойлarning биринчиси, одамлар урушдан ўтириб қолгани учун шундай номланган.
12. Зулҳижжа ойи (луғатда «ҳаж эгаси») – қадимдан одамлар мана шу ойда ҳаж қилиш учун чиқишган. Бу ҳам уруш ҳаром қилинган ойлardan.

Ҳижрий-қамарий йил милодий йилдан 11 кун камлиги ва ҳар йили 11 кун эрта келганлиги сабабли, ойлар йилнинг турли фаслларида айланиб келади.

**Интернет манбалари асосида
Хуршид Маъруф тайёрлади**

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.